

**“Galla Alteg” акциядорлик жамиятини молиявий-хўжалик
фаолиятини текшируви натижаси бўйича
Ижобий аудиторлик хулосаси**

Мен, МЧЖ шаклидаги «GRANIT AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 10.06.2013й. 1097-сон билан рўйхатдан утган, аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун АФ № 00731-сонли лицензия Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 22.01.2014 йилда берилган) аудитори Хужаев Бахтиёр Одилхонович (аудитор малака сертификати № 04740 Ўз.Р. Молия вазирлиги томонидан 14.07.2009 йилда берилган, муддати 14.07.2019 йилгача узайтирилган) томонидан “Galla Alteg” АЖнинг (СТИР: 200547594) 2015 йил 1 январдан 31 декабрга қадар бўлган даври учун молиявий ҳисоботи текширилди.

Корхонанинг манзили ва банк реквизити: Тошкент шаҳри Яшнабод тумани Элбек кучаси 37 уй.

Корхонанинг асосий ҳисоб рақами: 20210000100232461001 АОТБ “Агробанк” дадир МФО454.

Корхона солиқ тўловчи сифатида Яшнабод туман ДСИ томонидан рўйхатга олинган ва 200547594 СТИР рақами берилган.

Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун хўжалик юритувчи субъект “Galla Alteg” АЖ раҳбарияти жавобгар ҳисобланади. Аудиторлик ташкилоти мазкур молиявий ҳисобот бўйича ўз хулосаси учун жавоб беради.

Биз аудиторлик текширувини АФМСга мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига старлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини тақозо этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун старлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект “Galla Alteg” АЖ молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳолини ҳаққоний аке эттиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ «GRANIT AUDIT» аудиторлик
директори:

 Б.О.Хужаев

Аудитор:

 Б.О.Хужаев

«04» сентябрь 2016 йил.